Ушбу сонда:

2 КАСАБА УЮШМА АРАЛАШУВИ БИЛАН

3 «ИШОНЧ» ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИДА

4 ТЎҚАЙЗОРЛАР табиат муҳофазасига хизмат қилаяпти

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ

O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI

FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 29 июл, жума № 120 (1961)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ХАЛҚНИ БУНЁДКОРЛИК УЛУҒЛАЙДИ

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз - Ўзбекистон мустақиллигининг 14 йиллиги нишонланадиган санага саноқли кунлар қолди. Истиқлол айёми арафасида мамлакатимизда янги иншоотлар, замонавий кўприклар, равон йўллар, муҳташам иморатларни ишга тушириш яхши анъанага айланган.

Бу йил ҳам пойтахтимиз Тошкентда қурилиш-таъмирлаш, ободончилик ишлари авжида. Шундай кенг кўламли қурилиш ишлари Чорсу ва унга туташ Эски Жўва майдонида жадал давом этмоқда.

Эски Жўванинг Сағбон, Заркайнар ва Абдулла Кодирий кўчалари кесишган жойида икки бино - Болалар бадиий ижодиёти уйи ва Ўзбек либослари галереяси қад ростламоқда.

27 июл куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бу ерда бўлиб, амалга оширилаётган қурилиш ишлари билан танишди.

Болалар бадиий ижодиёти уйининг қурилиши жорий йилнинг 1 июнида бошланган. Президент уч қаватли ушбу бинодан жой оладиган эстрада-вокал студияси, киностудия, компьютер синфи, бадиий кашта ва зардўзлик тўгараги, миниатюра тўгараги, тасвирий санъат студияси, кутубхона ва мажлислар зали учун мўлжалланган хоналарни кўздан кечирди.

Бинонинг томидан томоша майдончаси ўрин олади. Бу ердан шаҳарнинг кафтдагидек яққол кўриниб туриши ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларига ҳайрат ва қувонч бағишлаши табиий.

- Бу жой Тошкентнинг қоқ марказидир, - деди Ислом Каримов. - Томоша майдончасининг тўрт томонига байроқлар ўрнатиш лозим. Бундан мақсад бу ерга томошага кўтарилган ҳар бир одам ўзини ананки пойтахтимиз, балки мамлакатимизнинг марказида турганини ҳис этсин.

Давлатимиз раҳбари меъмор ва қурувчиларга бинони безашда аждодларимизнинг қадимий анъаналарига таяниб иш тутиш, хусусан, унинг гумбаз ва пештоқларини Амир Темур мақбараси ҳамда Тиллакори мадрасасининг меъморий ечимидан келиб чиққан ҳолда такомилига етказиш юзасидан тегишли кўрсатма ва тавсиялар берди.

Президентимиз шуни таъкидладики, қурилиш ишларида, аввало, шу яқин-атрофда истиқомат қиладиган кишиларнинг, бунёдкорлик ишларини катта қизиқиш ва эътибор билан кузатиб келаётган, ўзларини ана шу ўзгаришларга дахлдор деб биладиган одамларнинг фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, бу ерда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, биринчи навбатда, ҳамюртларимизнинг ҳаётини яхшилаш, кайфиятини кўтариш, уларда ўз юрти учун ғурур ва ифтихор, ўз кучига ишонч туйғуларини юксалтиришдек улуғ мақсадларга қаратилгандир.

Мамлакатимиз раҳбари Алишер Навоий номидаги Миллий боғ ҳудудида жойлашган «Наврўз» саҳна мажмуида амалга оширилаётган реконструкция ишларини ҳам кўздан кечирди. Ушбу мажмуа улкан саҳна, металл конструкцияли минбар ва қарийб 10 минг томошабинга мўлжалланган ўриндиқлар, ёритиш минораларидан иборат.

Ислом Каримов ушбу саҳна санъаткорларнинг чиқишлари учун қулай бўлиши, уни ёғин-сочин мавсумида авайлаб-асраш юзасидан амалий тавсиялар берди.

Президентимиз Бешёғоч майдонида амалга оширилаётган ишлар кўлами ва сифати билан ҳам қизиқди. Бу ерга аввалги ташрифи чоғида мутасаддиларга берган кўрсатма ва топшириқларининг ижросини таҳлил этди.

- Яқинда кўлга сув тўлдирилади ва ҳамшаҳарларимиз, айниқса, фарзандларимиз бемалол ҳордиқ чиқариши учун барча шарт-шароит муҳайё этилади, - деди Юртбошимиз бу ердаги ободонлаштириш ишлари юзасидан тавсиялар берар экан.

Давлатимиз раҳбари кўздан кечирган янги иншоотларнинг аксарияти Мустақиллик байрами арафасида қуриб битказилиб, фойдаланишга топширилади. Лекин кўчат ва ниҳоллар ўтказиш, кўкаламзорлаштириш юмушлари кейин ҳам давом этади. Президентимиз уқтирганидек, ҳар ишнинг ўз вақти ва мавриди бор.

Шунга эришиш керакки, эл-юрт манфаати йўлидаги бунёдкорлик ишларига дахлдор ҳар бир мутахассис, буюртмачи, пудратчи, қурувчи жонажон пойтахтимизнинг янада чирой очиши ва обод бўлиши учун ўз ҳиссасини қўшгани билан фахрлана олсин.

Мустақиллик майдони - Ватанимиз юраги. Бу муқаддас масканни зиёрат этиш юртдошларимиз ва мамлакатимиз меҳмонлари учун чуқур рамзий маънога эга. Зотан, халқимиз, миллатимизнинг асрий орзу-армони рўёбга чиқди - истиқлолга эришдик. Эндиликда озод Ўзбекистоннинг қоқ марказида янгиланган, мутлақо ўзгача қиёфа касб этган Мустақиллик майдони бутун кўрку салобати билан намоён бўлиб турибди.

Майдонга кираверишда Президентимизнинг яна бир ҳаётбахш ғояси рўёби бўлмиш Эзгулик аркаси бунёд этилаётир. Турмуш қураётган келин-куёвлар ўн олтита оппоқ мармар устунларни туташтириб турган мана шу дарвоза остонасидан ҳатлаб, Мустақиллик майдонига қадам қўядилар. Шоҳона дарвоза тепасидан сайёрамиз тасвири узра парвозга шайланган жуфт-жуфт турналар, халқимизнинг қалбидек, орзуларидек оппоқ лайлаклар жой олади.

- Эзгулик аркаси ватандошларимиз учун азиз ва муқаддас тимсолга айланишига ишонаман, - деди пировардида Ислом Каримов. - Зеро, ҳар бир қалб эзгуликка интилиб яшайди. Дунёда яхши ният, орзу-истакларсиз одамнинг ўзи йўқ. Истардимки, шу дарвоза остонасидан ўтадиган ҳар бир юртдошимизнинг қалби шукроналик, эртанги кунга ишонч туйғулари билан тўлсин. Аслида, барча бунёдкорлик ишларидан кўзланган мақсадимиз - эзгуликка хизмат қилишдир.

Зотан, ҳар қайси миллат, ҳар қайси халқни ўз қўли билан амалга ошираётган бунёдкорлик ишлари улуғлайди.

Ғулом МИРЗО,
ЎзА мухбири

Поп туманидаги Яккатут қишлоғида қишлоқ врачлик пункти қурилиши якунланмоқда. Бу объект мустақиллик байрамининг 14 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилади.

ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИ УЧУН

Лойиҳа қиймати 78 миллион сўмга тенг ушбу объектни Тўрақўрғон туманидаги «Қурувчи» кичик қурилиш корхонаси жамоаси барпо этмоқда.

- Ҳозир қурувчиларимиз пардозлаш ишларини бошлади, - дейди корхона директори А.Сотиболдиев. - Қишлоқ аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш мақсадида барпо этилаётган мазкур врачлик пункти бир кунда эллик нафарга яқин беморни қабул қилиши мумкин.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28 июл куни Оқсаройда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) Бош котиби Марк Перрен де Бришамбони қабул қилди.

Франция Мудофаа вазирлигида сиёсий маслаҳатчи лавозимида фаолият кўрсатиб келган бу дипломат ўтган ойнинг бошида ЕХҲТ Бош котиби этиб тайинланди. У Франциянинг ЕХҲТдаги элчиси вазифасида ҳам ишлаган.

Мамлакатимиз раҳбари Марк де Бришамбони янги лавозимга тайинланиши муносабати билан қутлади. Бош котибнинг Ўзбекистонга ташрифи нафақат унинг ўзи, балки бутун ЕХҲТ раҳбариятининг мамлакатимиз ва минтақамиз билан яқинроқ танишиши учун қулай имконият яратишини таъкидлади.

Маълумки, ЕХҲТнинг амалдаги раиси ҳар йили ўзгариб туради. Раис ташкилотга аъзо мамлакатлар бўйлаб сафар доирасида Ўзбекистонда ҳам бўлади ва ҳар сафар уни бу ердаги вазият билан батафсил таништиришга тўғри келади. Шу тариқа бевосита амалий ҳамкорликдан кўра мулоқотларга кўп вақт сарфланади. Бу эса ташкилотни мавжуд воқеликка мослаштириш зарурати борлигидан яна бир далолат.

Ўзбекистон ЕХҲТга 1992 йилнинг январидан аъзо. Тошкентда унинг маркази фаолият юритиб келмоқда. Мамлакатимиз билан ЕХҲТ ўртасидаги ҳамкорлик уч асосий - ҳарбий-сиёсий, иқтисодий ва инсоний йўналишга эга.

Сўнгги вақтларда ЕХҲТ чегаралар хавфсизлигини таъминлашга, қурол-яроғнинг ноқонуний савдосига қарши курашга, террорчиликни молиялаштиришнинг олдини олишга доир лойиҳаларга, суд-ҳуқуқ тизими идоралари ходимлари ва чегарачиларни ўқитишга, қонунчиликни такомиллаштиришга ёрдам кўрсатишга оид масалаларга кўпроқ эътибор қаратмоқда.

Мамлакатимизда ЕХҲТ билан иқтисодий-экологик ҳамкорлик доирасида кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, аёллар ва ёшларда ишбилармонлик кўникмаларини ҳосил қилиш, сайёҳликни ривожлантиришга оид лойиҳалар, шунингдек, «Маҳалла ва атроф-муҳит муҳофазаси» дастури амалга оширилмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда Ўзбекистон билан ЕХҲТ муносабатларига, жумладан, иқтисодиёт, экология, таълим каби соҳалардаги алоқаларни кенгайтиришга, хавфсизликни мустаҳкамлашда минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

Фахрия

Сиз ёз охирлаётган кезларида шу боғ ичини оралланг. Пишиб етилган мевалларга қарасангиз кўз қамашади. Анорларнинг ранги тип-тиниқ. Шафтолилар кирмизи тусда. Кора олулар худди бўёққа ботириб олингандай. Узумларнинг ҳар донаси офтоб нурида жилоланади. Барглар орасидан мўралаётган сап-сарик анжирлар «териб ол» деб имлаётгандек...



Асалу болга тўлган бу мевалар ҳаммаси жону танимизга шифо. Аслида бу боғнинг ўзи улкан дорихонага ўхшайди. Беминнат, сахий дорихона!

– Мен қаттиқ чарчасам ё асабларим толиқса, боғ ичини ёлғиз ўзим кезаман, – дейди Жиззах вилоятининг Дўстлик туманидаги «Навбаҳор» кўчатчилик хўжалигига қарашли «Лочин» фермер хўжалиги бошлиғи Йўлдошхон Абдулходиева. – Қаймокдек ҳавони шимирамаму кайфиятим кўтарилади, мевасининг кўплигидан шохлари эгилиб турган дарахтларни кўриб яйраб кетаман. Минг шукр, тўкинликкa не етсин!

Йўлдошхон опанинг айтишича, дарахтлар инсоннинг ички ҳолатини ҳис этармиш. Киши хорғин ва маъюс чоғларида бир зум дарахтга суяниб турса, чарчоғи кетиб вужудига куч инаркан. Дарахт қанчалик йўғон бўлса, унинг қувват манбаи кишига шунчалик кучли таъсир этаркан. Фермер опа боғдаги дарахтларни ниҳоллигидан бери билади. Қачон экилган, қай шароитда ўсган, қайси мевали дарахтга пайванд қилинган... Ўн йилдирки, унинг фикру хаёли шу боғда. Мевали дарахтларни кўпайтирсам, олма ва ўрикнинг йўқолиб кетган навларини тикласам, дея ўйлайверади. Ахир, олма камҳосилликни даволайди, ўрик эса юрак хасталигига шифо. Қишлоқ одамлари орасида мана шу икки хил хасталик кўп учрайди. Шундай экан, боғ майдонларини кенгайтириш эндиги кунларда айниқса муҳим! Боғбон аёл ўз фикри ва тахминларини катта йиғинларда бир неча марта ўртага ташлаган, барча уни маъқуллаган. «Боғбон опа тўғри айтаяпти» дейишган.

«Аслида мен фермерман, лекин бу ерликларнинг ҳаммаси «боғбон опа» деб чақиришади!» дейди соҳиб-кор. Бу аёл қирқ гектарча ер майдонининг ярмидан кўпроғида ғалла етиштиради. Давлатга пахта сотиш бўйича белгиланган режаларниям ошиғи билан бажариб келади. Қарабсизки, йил охирида кутилганидан ҳам кўпроқ даромад келиб турибди. Қозон ҳам мой, чўмич ҳам...

– Ўзим туғилиб ўсган Аравон деган жойнинг гўзал қишлоғини ташлаб бу ёқларга келганимда ён-атроф қуп-қуруқ чўл эди, – дея эслайди опа. – Дастлаб капа тикиб шунда яшаганмиз. Болаларим ҳаммаси гўдак, ўзимизни тиклаб олгунча анча қийналдик. «Сабр таги олтин» деганлари рост. Мана, йиллар ўтиб кенг-мўл уй-жой қурдик, бойидик. Болаларимиз ҳам улғайишиб, қанотимизга киришди.

Ҳонадон бошлиғи Ботиржон Ғофуров фермер хўжалиги юмушлари билан банд. Фарзандлар – Феруза, Фарида, Дилшод, Гулнора, Лочинбеклар, куёви Орифжон, келини Мадинахон бариси оиланинг кўмакчилари. Бири-биридан ширин набиралар эса Йўлдошхон опанинг жону дили, қувончи. Бу аҳил оила гоҳ туғилган кун, гоҳ байрам, гоҳ ҳайиту Наврўзлар баҳона дастурхон атрофида йиғилиб дийдорлашади. Бир-бирларига яхши тилаклар билдиришади. Ахир, инсоннинг ҳар куни, ҳар соати ғанимат, кўнгилдаги меҳр изҳори ўз вақтида айтилса яхши. Эсида, бундан етти йилча аввал Йўлдошхон опанинг уйида ҳудди шундай йиғин бўлди. Ўшанда у давлатга ҳўл мева топшириш режасини бир неча ҳисса ошиғи билан уддалаган, бунинг эвазига ҳукуматимизнинг «Шуҳрат» медали билан мукофотланганди. Катта хонадон фарзандлар, узоқ-яқин қариндошлар билан тўлди. Боғбон аёл шаънига кўп илиқ сўзлар айтилди. Йўлдошхон опа шунчалик ҳаяжонлангандики, ўша кунни ҳали-ҳали унутолмайди.

Боғдаги мевалар пишса, териб олиниб, дастлаб тумандаги болалар боғчаларига етказиб берилади. Болажонлар учун ҳар йили 15-20 тонна ҳўл мева ажратилади. Шунингдек, кам даромадли хонадонлар ҳам йўқланади. Уларга зарур миқдорда мева-чева берилади, моддий кўмак уюштирилади. Йўлдошхон опа яна бир ниятни дилига жо этган. Ҳосил етиштиришда оқсаётган фермерларнинг ерларини «тендер» орқали олса... Пахта, ғалла экиб, ҳосилга қўшса! Ўзи яшаётган «Мевазор» маҳалласида бекор юрган ёшларни ёнига олиб, бу майдонларда астойдил ишлашса қандоқ соз бўларди. «Эплаганга элакда сув» дейдилар. Агар ўйлаганлари амалга ошса, Йўлдошхон опа деҳқончиликдан орттирган жамики тажрибаларидан фойдаланиб гектардан олинадиган ҳосил миқдорини албатта оширган бўларди.

Қаттиқ шамол бўлиб, боғдаги мевалар ер билан битта бўлиб тўкилганида ёки бевақт дўл ёғиб ҳали пишиб улгурмаган олмалар тагига тушиб заха еса, Йўлдошхон опа узоқ хаёлга толади: «Меваларни қай-

Боғбон Йўлдошхон АБДУЛХОДИЕВА:

«БОР БЎЛ, ИСТИҚЛОЛ!»



Поп туманидаги «Набижон ота» фермер хўжалиги жамоаси айни кунларда ғўза парвариши билан машғул бўлмоқда. Чунки, энди уларнинг асосий мақсади айнан пахтадан мўл ҳосил олишдир.

Ғалладан юқори ҳосил олган фермер хўжалик ишчилари жорий йилги «оқ олтин» хирмонига муносиб улуш қўшмоқчи. Ҳозир улар бир текисда кўсакка кирган ғўзани суғориш, озиқлантириш, ўғитлаш, бегона ўтлардан тозалашга эътибор қаратган.

Айни чоғда мазкур хўжалик жамоаси белгиланган режа сари интилаяпти. Келгусида бундан-да яхши натижага эришиш, ер майдонини кенгайтириш ва мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш уларнинг асосий мақсадидир.

Суратда: фермер хўжалиги раҳбари О.Шораҳимов.

ЕХҲТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) Бош котиби Марк Перрен де Бришамбо раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Эркин Халилов билан учрашди.

Мулоқот чоғида мамлакатимиз парламенти билан ушбу ташкилот ўртасидаги ҳамкорлик истиқболларига оид масалалар муҳокама этилди.

ЕХҲТ делегацияси аъзолари, шунингдек, Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси Акмал Саидов ва Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Сайёра Рашидова билан музокара ўтказди. Учрашувларда меҳмонлар Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик жараёнлар, Омбудсман институти фаолияти билан таништирилди.

(ЎзА)

Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси филиалининг конференцияси бўлиб ўтди. Оролбўйидаги илғор фермерлар, фермер хўжаликлари раҳбарлари, қишлоқ хўжалиги соҳаси мутахассислари иштирок этган ушбу анжуманда Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмасининг янги таҳриридаги Низоми ва ҳаракат дастуридан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди.

ИҚТИСОДИЁТИМИЗ ТАЯНЧИ

Конференция қатнашчилари таъкидлаганидек, мамлакатимиз иқтисодиётининг мустаҳкам таянчи бўлган фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида кечаги деҳқон бугун ҳақиқий мулк эгасига айланди. Уларнинг эмин-эркин иш юритиши, сифатли ва харидгир маҳсулотлар етиштириши учун қулай шарт-шароит яратилмоқда.

Ҳозирги кунда Қорақалпоғистонда етти мингдан зиёд фермер хўжалиги фаолият кўрсатаётир. Уларнинг ихтиёридаги экин майдони 200 минг гектардан ортади. Жорий йилнинг ўзида паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган 50 та ширкат хўжалиги тугатилиб, фермер хўжаликларига айлантирилди.

Айниқса, пахтачиликда фермерлар эришаётган муваффақиятлар диққатга сазовор. Чорвачилик ва паррандачилик соҳасида ҳам улар салмоқли натижаларни қўлга киритаётир.

Анжуманда Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси раиси Соҳибжон Қобилов, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати -Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси раиси Муҳаммадюсуф Тешабоев ва бошқалар сўзга чиқиб, фермер хўжаликлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги янги ҳуқуқий ҳужжатлар, уларнинг кўпроқ даромад топишлари учун яратилган имкониятлар хусусида тўхталиб ўтдилар.

Таъсис конференциясида мазкур уюшманинг Қорақалпоғистон Республикаси филиали кенгаши раиси ва унинг ўринбосарлари сайланди.

ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТ

Қўқон шаҳридаги «KINDER QOQON» хусусий корхонасида ишлаб чиқарилаётган сифатли, пишиқ ва бежирим пойабзалларга талаб тобора ортиб бораётир. Бу ерда эркаклар ва ўсмирлар учун 135 моделдаги оёқ кийимлари тайёрланиб, савдога чиқарилади.

Корхона раҳбари Алишер Гапаровнинг айтишича, жамоа йилига 45 минг жуфт пойабзал ишлаб чиқариш имкониятига эга. Айни пайтда маҳсулотларнинг тури ва ишлаб чиқариш ҳажмини янада оширишга эътибор қаратиляпти. Яқинда янги бичимдаги спорт оёқ киймлари тикила бошлади.

Корхонага хомашё асосан Туркиядан келтирилади. Яқин орада пойабзал таг чармини ҳам шу ернинг ўзида тайёрлаш йўлга қўйилади.

ОҲАНГАРОН ЦЕМЕНТИНИНГ ДОВРУҒИ

Мамлакатимиз мустақилликка эришган илк йилларданоқ Президент Ислом Каримов раҳнамолигида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширила бошлади. Юзлаб замонавий иншоотлар, тиббиёт муассасалари, турар-жой бинолари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари бунёд этилди. Эътиборлиси шундаки, бу қурилишларда асосан ўзимизда ишлаб чиқарилган материаллардан фойдаланилди.

Мамлакатимиздаги қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган корхоналар орасида «Оҳангарон цемент» очиқ акциядорлик жамияти алоҳида ўрин тутади. Айни вақтда бу ерда халқ хўжалиги учун ҳар йили бир миллион тоннадан зиёд цемент тайёрланмоқда. Бу маҳсулотга эса, талаб тобора ортиб бораётир. «Ўзбекистон темир йўллари», «Ўзбекэнерго», «Ўзавтойўл» Давлат акциядорлик компаниялари тизимидаги кўплаб корхоналар Оҳангарон цементининг асосий харидори саналади. Корхона маҳсулотларига хорижда ҳам талаб катта. Йил бошидан буён қўшни Қозоғистон, Тожикистон, Афғонистон каби давлатларга умумий қиймати 2 миллион 100 минг АҚШ долларига тенг цемент жўнатилди.

- Мустақиллик йиллари корхонамиз қайта туғилди, десам муболаға бўлмайди, - дейди жамият бошқаруви раисининг ўринбосари Муҳаммадали Дўсбоев. - Корхоналарга иқтисодий эркинлик берилгани, мулкка эгалик туйғусининг шаклланиши жамоамиз ишчи-хизматчиларининг руҳини кўтарди, уларни янада фаолроқ меҳнат қилишга ундади. Бу эса эришаётган ютуқларимизнинг асосий омили бўлиб хизмат қиляпти.

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида корхона ҳаётида улкан ўзгаришлар рўй берди. Бу ерда энг аввало мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан унумли фойдаланиш мақсадида технологик ускуналарни янгилаш, уларни эҳтиёт қисмлар билан таъминлашга жиддий эътибор қаратилди. Натижада маҳсулот ишлаб чиқариш мароми изга тушди. Бир кеча-кундузда уч-уч ярим минг тонна атрофида цемент тайёрлаш имконияти пайдо бўлди. Маҳсулот сифатини яхшилаш борасидаги тинимсиз изланишлар ҳам ўз самарасини бермоқда. Ички ва ташқи бозорда харидоргир 500 маркали цемент ишлаб чиқарила бошлагач, корхона мавқеи ҳам, буюртмачилар сони ҳам ортди.

Олинаётган фойданинг салмоқли қисми ишлаб чиқаришни ривожлантириш билан бирга ишчи-хизматчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, уларнинг унумли ишлаши ва мазмунли ҳордиқ чиқариши учун шарт-шароит яратишга сарфланмоқда. Кейинги йилларда ҳар бир цехда махсус дам олиш, ювиниш хоналари ташкил қилинди. Имтиёзли овқатланиш талонлари қиймати оширилди.

Яқинда «Сиҳат-саломатлик йили» муносабати билан барпо этилган саноат-врачлик пункти ҳам ходимларга нисбатан алоҳида ғамхўрлик намунаси бўлди. Энди улар корхонанинг ўзида вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтиши, зарур муолажалар олиши мумкин. Малакали тиббиёт ходимлари, замонавий жиҳозланган лаборатория, қатор физиотерапия кабинетлари, эмлаш хонаси, кундузги стационар корхона ишчи-ходимлари хизматида.

Табиийки, бундай корхонада ишлашни хоҳловчилар кўп бўлади. Бу ерда оқилона ва замонавий йўл тутилмоқда, яъни, ходимларни фақат танлов асосида ишга қабул қилиш йўлга қўйилган. Шу мақсадда махсус қабул комиссияси ишлаб турибди. Йил бошидан буён бўш иш ўринларига етмишдан ортиқ ходим ана шу йўл билан танлаб олинди.

(ЎзА)

Ислоҳот мевалари

ИНҚИРОЗГА ЮЗ ТУТГАН ТАШКИЛОТ қаддини ростлади

Навоийдаги саноат корхоналари бошқармасининг мулк шакли ўзгартирилиб, очиқ акционерлик жамиятига айлантирилган эди. Ислоҳотлар самараси, тадбиркорлик туфайли паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган қурилиш ташкилоти қисқа муддатда ривожланиш йўлига ўтиб олди.

Ҳозир вилоятда бунёд этилаётган ҳар бир қурилишда корхона меҳнат аҳлининг муносиб ҳиссаси бор. Чунки бу ерда темир-бетон буюмлари, пишиқ ғишт, мармар парчалари, пардозли ғиштлар, шебен, керамзит ва норуда иш материаллари тайёрланади. Юқори технологиялар асосида жиҳозланган цехларда қудратли механизмлар юксак унум билан ишлаб турибди. Тайёр маҳсулот пешма-пеш буюртмачиларга жўнатилаяпти.

– Юртбошимизнинг «Қурилиш материаллари саноатида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва тармоқни янада ривожлантириш тўғрисида»ги Фармони кучимизга-куч, ғайратимизга-ғайрат қўшди, – дейди корхона раҳбари Ўразбой Абдуқодиров. – Мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари кўрилаяпти.

Тармоқда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва жадал ривожлантириш, янги замонавий қурилиш материаллари, конструкциялари ва буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, турларини кенгайтириш дастури тузилган. Ички бозордаги талаб ва эҳтиёж ҳисобга олинган ҳолда, истеъмолчилар билан истиқболли шартномалар тузилган.

Очиқ ҳиссадорлик жамияти бултур 800 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган бўлса, жорий йилда 1 миллиард сўмга етказиш мўлжалланган. Ҳар чоракда 250-260 миллион сўмлик қурилиш материаллари буюртмачиларга етказиб берилмоқда. Қум саралаш каръеридан тортиб барча цехларда узлуксиз иш режими жорий этилган. Бентонит аралашмасидан керамзит, қурилиш бўри, қум аралашмалари ва бошқа ашёлар тайёрланаяпти.

Навоий оҳаги ўзининг юқори сифатлилиги билан республикамизда ажралиб туради. Эндиликда бундай маҳсулотга нафақат воҳанинг ўзидан, қўшни вилоятлардан ҳам буюртмалар тушган. Яқинда бир неча вагон оҳак қўшни Бухоро қурувчиларига жўнатилди.

– Қурилиш материаллари ишлаб чиқаришнинг янги, замонавий технологиялари ўзлаштирилганлиги муваффақиятни таъминлаяпти, – дейди катта уста Анвар Абаков. – Ҳудудларнинг эҳтиёжлари асосида қурилиш конларини ўзлаштириш дастури тузилган. Ижтимоий инфратузилма, саноат ва фуқаро қурилишининг параметриларидан келиб чиққан ҳолда вилоят бўйича 2005-2010 йилларда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш чора-тадбирлари кўрилаяпти. Бунинг учун янги норуда хомашё конлари ўзлаштирилади.

Ҳар бир ишчи топширилган вазифани виждонан адо этишга одатланган. Механик Қаҳҳор Жўраев барча технологик линияларни тўла қувват билан ҳаракатланиши устидан масъул. Экскаваторчи Александр Шельцов ўзи бошқараётган техниканинг бенуқсон ишлашини таъминлаяпти. Карим Тоғаев, Отабек Мўминов, Нурилла Fуломов бошлиқ бригадаларнинг жамоалари маҳсулот сифатини яхшилаш учун жон куйдиришаяпти.

– Шаҳар марказида қад кўтараётган академик-лицей қурилишида саноат корхоналари цехларида тайёрланаётган темир-бетон конструкцияларидан фойдаланаяпмиз, –дейди «Навоийқишлоққурилиш» бошқармаси бош муҳандиси Муҳиддин Бозоров. 820 нафар ўғил-қиз таълим оладиган янги ўқув муассасаси мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилади.

Бошқарма меҳнат аҳли учун ҳамма қулайликлар муҳайё этилган. Ходимларни ишга олиб келиш ва олиб кетиш учун махсус автобус ажратилган. Цехлар атрофи кўкаламзорлаштирилган. Ошхонада мазали таомлар тайёрланади. Ҳаммом, душ ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бунёдкорлар хизматида. Илғорлар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб борилаяпти.

Корхонани янгилаш, техника билан қайта қуроллантириш ва хомашёдан самарали фойдаланиш туфайли меҳнат унумдорлиги ошиб, маҳсулот сифати яхшиланмоқда.

И.ТИЛЛАЕВ

БАҲМАЛДА ЯНГИ КОРХОНА

«Al-Samar-Tia» масъулияти чекланган жамияти ташкил этилгач, Баҳмал туманидаги мева-сабзавотни қайта ишлайдиган корхоналар сони бештага етди.

Тадбиркор Мурод Алимов АҚШнинг «Tia-Enlerise» фирмаси билан ҳамкорликда ташкил қилган мазкур корхона мавсумда 1200-1300 тонна мева-сабзавот пюреси ишлаб чиқариш қувватига эга.

Маълумки, Баҳмал - мева-сабзавот етиштиришга ихтисослашган туман. Бу йил туман деҳқонлари 12,5 минг тонна сабзавот, тўққиз минг тоннага яқин мева, тўққиз минг тонна картошка етиштириш мақсадида меҳнат қилмоқда.

(ЎзА)

Қамашидаги «Ҳунарманд» ишлаб чиқариш корхонасининг иш бошлаганига кўп вақт бўлгани йўқ. Қисқа вақт мобайнида халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариб, эл назарига тушган корхонада эшик-ромлар, йўлакбоп плиталар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Суратларда: йўлакбоп плиталар ишлаб чиқариш устаси Олим Қурбонов ўз маҳсулотлари билан; «Ҳунарманд» ишлаб чиқариш мажмуаси.

Ш.СУЛТОНОВ олган суратлар

ШИФОБАХШ НЕЪМАТ

Андижон туманидаги сувсиз Хоқона адирларида «Бодомзор» фермер хўжалиги раҳбари Р.Тошматов томонидан барпо этилган боғ кун сайин ривож топмоқда. У бундан беш йил аввал 10 гектар майдонга беш мингта бодом кўчати экқан эди.

Ихтисослиги қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандиси бўлган Р.Тошматов ўз боғида сувни тежаш мақсадида томчилаб суғориш тизимини йўлга қўйди. Бу йил дарахтлар биринчи ҳосилни беради.

- Бодомнинг шифобахш хусусиятларини Абу Али ибн Сино ҳам таъкидлаган, - дейди фермер. - Унинг таркиби кўплаб витаминлар, айниқса экологияси ёмон ҳудудларда яшовчи одамлар учун зарур бўлган Е витаминига бой.

Фермер қимматли маҳсулотни халққа етказиб беришдан ташқари фармацевтика корхоналарига ҳам топшириш ниятида.

Фаоллар ҳақида ҳикоялар

У БАРЧАГА БИРДЕК КЕРАК

Хонага бир йигит ийманибгина кириб келди. Роҳатжон унга ўтиришга жой кўрсатди.

Бу даргоҳ эшиги ҳамиша очиқ эса-да, ҳамма ҳам, ҳар куни ҳам остона хатлаб ўтавермайди. Ноиложликкина одамларни етаклаб келади.

– Исмим Бахтиёр, фамилиям Ҳасанов, - деди йигит ўзини таништириб. – Анча бўлди, бекорман. Ишга кирмоқчи эдим.

Албатта, касаба уюшмаси меҳнат биржаси эмас. Лекин масалага жиддийроқ ёндошиладиган бўлса, мурожаат қилган киши борки, бўлажак касаба уюшма аъзоси. Шундай экан, нега энди ёрдам қилмаслик керак?

Роҳатжон шу заҳотиёқ тумандаги бир неча корхонага қўнғироқ қилди. Бунга ҳам қаноатланмай туман Бандлик идораси билан боғланди. То ижобий жавоб олмагунга тинчимади. Сўнг йигитга икки-уч кун ўтказиб, хабар олишини тайинлади.

Бундай воқеалар Ҳазорасп туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма кенгаши йўриқчиси Роҳатжон Отажонова иш фаолиятининг мазмунига айланиб қолган, десак муболаға эмас. Ихтисоси бўйича ўқитувчи бўлган ва таълим соҳасида ўн уч йил заҳмат чекиб, катта тажриба тўплагач, ўз ҳаётини жамоатчилик ишига бағишлашга азму қарор қилган Р.Отажоновани танимайдиган киши йўқ. У, агар таъбир жоиз бўлса, туман касаба уюшмаси кенгаши билан бошланғич ташкилотлар ўртасида бамисоли кўприк вазифасини ўтаб келмоқда.Ташкилот ва хўжаликларда ҳисобот-сайловлар ўтказиш масаласи бўладими, жамоа шартномаларини тузишми, хуллас, соҳага оид икир-чикирларгача Роҳатжоннинг аралашуви, елиб-югуришисиз битмайди. Айни кунларда Р.Отажонова ёзги соғломлаштиришни кўнгилдагидек ўтказиш ишларига ўз муносиб улушини қўшиб келмоқда. Шу кунгача туманда ташкил этилган оромгоҳда 360 дан зиёд бола дам олдирилди. Яна 180 нафар ўқувчи учун қулай шароит яратиб бериш режалаштирилган.

Бундан ташқари, Тошкент ва Самарқанд вилоятларининг сўлим гўшаларида 147 нафар ўғил-қиз мазмунли ҳордиқ чиқармоқда.

– Куни кеча Тошкентда дам олаётган бир қизчамиз билан телефонда гаплашдим, - дейди Роҳатжон. – Бирам хурсанд. Бир сўзлаб ўн кулади денг. Шу эмасми ахир бахт! Бир оғиз айтилган миннатдорчиликдан бошим осмонга етди, бутун чарчоғим чиқиб кетди.

Аёли эъзозда бўлган хонадондан қут-барака аримайди. Шу маънода Роҳатжонга толе кулиб боққан: турмуш ўртоғи ҳаётни тушунган, оқ-қорани таниган, бамаъни инсон. Қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилади. Уч нафар фарзанди бор. Катталари коллежда, кенжаси лицейда таҳсил олади.

Уйида фароғати йўқнинг кўчада ҳам ҳаловати йўқ, деган ҳикмат аксари эркакларга нисбатан қўлланилса-да, ишли аёл борки,бу ўгит мағзини чақа билади. Хоҳлайсизми, йўқми барибир иш оиладаги вазиятга, оиладаги муҳит ишдаги ҳолатга таъсир ўтказади. Шунинг учун Роҳатжон уйнинг муаммосини ишга, ишнинг чигалликларини уйига етаклаб келмасликка ҳаракат қилади. Ҳаммасини жойида, ўз ўрнида ҳал этишга интилади, бошқаларни ҳам шунга ундайди.

Ҳаёт, эҳтимолки ана шуниси билан қизиқдир. Бирни кўриб фикр, бирни кўриб шукр қиласан киши. Беш қўл баравар бўлмаганидек, бировларнинг кўмагига муҳтож бўлиб қолганлар ҳам йўқ эмас-ку, ахир. Ўтган ярим йил ичида қарийб 300 оилага ёрдам кўрсатилди. Бир неча кишига ололмай юрган иш ҳақи ундириб берилди. Мисол учун, Питнак шаҳри ҳудудидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги тугатилдию, лекин иш ҳақини тўла ҳисоб-китоб қилиш ҳеч кимнинг эсига келмади. Касаба уюшмасининг аралашуви билан ишловчилар қолиб кетган 297 минг сўм пулларини олдилар.

Ким яқин кишиси шифохонага тушиб, дори-дармондан қийналиб қолганини айтиб мурожаат этса, ким соғлигини тиклаш учун бирор баҳаво масканда дам олишига кўмаклашишларини сўраб келади. Шунинг натижаси ўлароқ, 13 нафар хотин-қизга сиҳатгоҳларга бепул йўлланма берилди.

– Инсоннинг энг гўзал пайти қачон, биласизми, - сўрайди Роҳатжон, сўнг ўзи берган саволга ўзи жавоб қилади. – Табассум қилганда, кўзларида бахт зиёси жилваланиб турганда.

Ва ўз сўзларини амалда исботламоқчи бўлгандек аста кулимсиб қўяди. Очиқ чеҳрали инсондан кўнгилларга ҳузур тарапади, деганлари шу бўлса керак-да.

З.РИХСИЕВ, «Ишонч» мухбири

Орамиздаги одамлар

ҲАЁТ ИШҚИ

Бу воқеа содир бўлганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Ўшанда Наманган Чортоқ санаторийсининг умумий дам олиш залида телевизордан «Гап чиқди» кўрсатуви берилаётганди. Унда шу Чортоқ туманидаги ногирон қизнинг ҳимояга муҳтож ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинаётганди. Буни қарангки, Зебо ногирон бўлишига қарамасдан ўз атрофига тенгқурларини тўплаб уларни чеварлик ва тадбиркорликка ўргатаётган экан. Қиздаги ҳаётга муҳаббатни кўрган кореялик профессор унинг ногирон оёқларини операция қилиб оёққа турғазибди. Нақадар ажойиб! Лекин бу ҳали Зебонинг ҳаёти тўла изга тушди, дегани эмас.

Унга бизнинг меҳримиз, мададимиз керак. Буни қарангки санаторийда дам олаётган шаҳрисабзлик икки фермер, Раҳмон Аҳмедов ва Хуррам Тожиевлар биринчилардан бўлиб ёрдамга шошилишибди. Қизнинг уйига совға-салом билан бориб унинг ҳисоб рақамига пул ўтказишибди. Воҳа билан водий орасидаги масофа анча олис. Лекин дўстлик, меҳр масофа билмайди.

Хизмат сафари билан яқинда Шаҳрисабзда бўлганимда бу икки оғаини ботирларни қизғин меҳнат устида учратдик. Фермер хўжалигига айлантирилган Амир Хушвақтов номли хўжалик ҳудудидан бири 68 гектар, бири 20 гектар ер олиб деҳқончилик қилишаётган экан. Давлатга пилла, ғалла сотиш шартнома режаларини дўндириб уддалашибди.

Раҳмон Аҳмедов деҳқончиликнинг пири бўлиб кетган, мутахассислиги иқтисодчи. Уч йил раис бўлиб катта хўжаликни бошқарган. Ўтган йили деҳқончиликдан 49 миллион сўм даромад, 24 миллион сўм соф фойда олибди. Аввало фермер хўжалигида ишловчиларни ижтимоий ҳимоялашни йўлга қўйибди. Далада улар учун шинамгина шийпон қурибди. Ишловчиларга иссиқ овқат доимий ва бепул берилаётир. Бундан ташқари ўтган йилги давлатга топширилган пахта ҳисобига келган 5 тонна ёғ, 21 тонна шелухадан ҳам эҳтиёжларига қараб олишибди. Иш ҳақлари ойма-ой берилаётган экан. Раҳмон Аҳмедов қишлоқдаги кам даромадли оилалар, якка-ёлғизлар, мактабга ҳомийлик ёрдами кўрсатишни ўз бурчи деб билади. Шу йилнинг ўзида ҳудудидаги 17-,18-мактабларнинг таъмирлаш, ўқув қуроллари олишга 450 минг сўм, кам таъминланган оилалар ва 30 дан ошиқ қарияларга 550 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатди. Шу билан бирга у ишлаб чиқариш имкониятларини ҳам тобора кенгайтириб бормоқда. Ишловчиларнинг далага бориб-келишлари учун автобус ажратилган. Фермер ўтган йили олинган даромад ҳисобига чопиқ тракторлари сотиб олган бўлса, бу йил ҳайдов тракторлари олмоқчи.

С.АЪЗАМОВА, «Ишонч» мухбири

Касаба уюшма аралашуви билан

ЎЗ ИШИГА ТИКЛАНДИ

мажбурий бекор юрган кунлари учун маблағ ундирилди

Касаба уюшмалари ишловчининг суянчиғи, маслаҳатчиси ва таянчидир. Ҳақ-ҳуқуқи топталса, саломатлигини мустаҳкамлаш ёки моддий кўмакка мухтожлик туғилса, у аввало ушбу оммавий жамоат ташкилотига мурожаат қилади. "Намангандонмаҳсулотлари" очиқ турдаги акциядорлик жамияти ходими Зокир Акромов билан боғлиқ воқеа ҳам бунга мисолдир.

Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасига шикоят хати келди. Унинг муаллифи Зокир Акромов 2000 йил 14 мартда ташкилотга ишчи сифатида ишга қабул қилинганлиги, шу давр мобайнида виждонан ишлаб келганлиги, аммо 2004 йил 10 август куни таажжубланарли ҳолатда маъмурият томонидан бугдой ўғирланганликда айбланиб, у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги, лекин бу тўғридаги буйруқдан кўчирма ва меҳнат дафтарчаси берилмаганлиги хусусида шикоят қилган эди.

Табиийки, ишчи шикояти атрофлича ўрганилди. Аён бўлдики, З. Акромовни ишдан бўшатиш чоғида бир қатор қонунбузилишлар содир этилган. Аввало 9 августдан 10 августга ўтар кечаси содир бўлган ўғирликда қатнашган-қатнашмаганлиги ҳақида ундан тушунтириш хати олинмаган. Жамият маъмуриятнинг З. Акромов билан тузган меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруғида фойдаланилмаган меҳнат таътиллари учун пуллик компенсация бериш масаласи ҳал этилмаган. Қолаверса, шикоятчи аризасида ёзганидек, меҳнат шартномаси бекор қилинганлигига оид буйруқ нусхаси ва меҳнат дафтарчаси ишчига берилмаган. Энг муҳими, З.Акромов билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш вақтида касаба уюшма розилиги олинмаган.

Бу ерда яна бир масалага алоҳида тўхталиш жоиз. Дастлабки текшириш чоғида жамият касаба уюшма қўмитаси раиси Арсёмова маъмурият З.Акромовни ўғирликда иштирок этганликда асоссиз айблаб, ишдан бўшатаётган вақтда касаба уюшма розилигини олмаганлигини айтган бўлса, сал кун ўтмай бу гапидан қайтди. Маъмурият раҳбарлари даъволарини тасдиқлаб, биз улар буйруғини тасдиқлаб берганмиз, дейишга тушди.

Хўш, нима сабабдан Акромовни корхона маъмурияти ишдан бўшатишга интилди?

Гап шундаки, З.Акромов корхонага элеватор ишчиси вазифасига ишга олинган. Ўғирлик содир бўлган ўша куни ҳақиқатан ҳам у ўз иш жойида бўлган. 9 августдан 10 августга ўтар кечаси маъмуриятнинг икки вакили-бош муҳандис Пўлат Ҳамидов ва бўлим бошлиғи Ҳамидхон Юсупжоновлар ҳам навбатчиликда туришган. З. Акромов ўзига биркитилган жойда вазифасини адо этаётган маҳалда, корхонанинг ичкари қисмида ҳақиқатдан ҳам ўғирлик юз берган. Навбатчиликда турганлар кўнгилсиз воқеа устидан чиқдилар. Ўғриларни сўроқ қилиш чоғида улардан бири бу ишдан элеватор ишчиси Зокир Акромов хабардорлигини айтган. Ўшандан сўнг ўтказилган кўпдан-кўп савол-жавобларда ва текширишлар вақтида ўғирликда иштирок этган ана шу шахснинг гаплари ўз исботини топмади. Маъмурият эса ўғрининг ана шу гапларига ишониб асоссиз равишда З.Акромов билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга шошилган. Қарабсизки, оилалик бир одам ўн ой давомида ишсиз юришга мажбур бўлган.

Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси масалани атрофлича кўриб чиқиб, қонуний ҳал этиб бериш учун фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судига мурожаат қилди. Суднинг шу йил 23 июн куни бўлиб ўтган мажлисида "Наманган-донмаҳсулотлари" очиқ акциядорлик жамияти маъмуриятининг З.Акромов билан тузилган меҳнат шартномасининг бекор қилиш юзасидан чиқарган буйруғи ноқонуний деб топилиб, уни олдинги иш ўрнига тиклаш, мажбурий бекор юрган вақти учун иш ҳақи сифатида 483 минг 98 сўм ундириб бериш юзасидан қарори эълон қилинди.

Сўнгги гап. Корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Арсёмова нима сабабдан қатъиятсизлик қилди. Ишловчининг бош ҳимоячиси ҳисобланган касаба уюшма ташкилоти нега ходим манфаатини ҳимоя қилмади? Ташвишлиси шуки, ана шундай етакчилар, уларнинг қониқарсиз фаолияти туфайли нуфузли жамоа ташкилоти обрўсига путур етяпти.

О.ЖУМАНАЗАРОВ, "Ишонч" мухбири

АЛОҚА ТАРМОҒИ ИШГА ТУШДИ

Фарғона вилоятида «Perfektum Mobile» янги уяли телефон тармоғи иш бошлади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларданоқ алоқа ва телекоммуникация соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Айни пайтда уяли алоқа хизматининг қамрови тобора кенгайиб бораётир. Бу борада «Rubicon Wireless Communications» Ўзбекистон-АҚШ қўшма корхонаси ҳам муносиб ўрин тутади.

Мазкур корхонанинг «Perfektum Mobile» уяли алоқа тармоғи эндиликда Фарғона, Марғилон, Қўқон шаҳарлари, Бағдод, Олтиариқ ва Сўх туманлари аҳолисига ҳам хизмат кўрсатмоқда.

Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик

«ҚАРЗНИ ТЎЛАНГ, РАИС БУВА»

Навоий номли ширкат хўжалиги Баликчи туман марказидан қарийб 20 километр олисда жойлашган. Худудда шу пайтгача биттагина фельдшерлик пункти фаолият юритаётган бўлиб, у ҳам нурай-нурай деб турган бинода жойлашган эди. Бу аҳолига тиббий хизмат кўрсатишда қатор нокулайликларни туғдирарди, албатта. Шу боис янги қишлоқ врачлик пункти қурилишига кўл урилди. «Истиқлол-95» хусусий фирмаси бунёдкорлик ишларини бажаришни зиммасига олди. 2003 йилнинг 2 январида томонлар ўртасида ширкат ўрамида қишлоқ врачлик пунктини қуриб фойдаланишга топшириш тўғрисида шартнома имзоланди.

Шартнома - субъектларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, мажбуриятларини кафолатловчи муҳим меъёрий ҳужжат. Ширкат раиси Рустамжон Солиев буюртмачи сифатида бажарилиши лозим бўлган иш ва хизматлар учун тўловларни ўз вақтида амалга оширишга ваъда қилди. Хусусий фирма номидан иш юритган ижрочи Ўктамжон Солиев эса қурилишни белгиланган муддатда фойдаланишга топшириш масъулиятини гарданига олганлиги ҳақида шартномага имзо чекди. Шундан кейин қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Ҳадемай, ҚВП бинокорлари тикланиб, дераза-ромлари, эшиклари ўрнатилди, томи ёпилди. Ширкат хўжалиги ҳам оталиқ ёрдамини аямади. Гоҳ ишчи кучлари, гоҳ транспорт воситалари билан қурувчиларнинг оғирини енгил қилди. Бироқ, тўловга навбат келганида ширкат хўжалиги раҳбарияти шартнома қонунчилигига зид хатти-ҳаракатларга ўта бошлади. Бир неча бор огоҳлантирилганлигига қарамасдан хўжалик раиси Р.Солиевдан садо ҳам чиқмади. Аксинча, ширкат ғазнасида маблағ йўқлигини рўкач қилиб, тўловларни кечиктирди. Буюртмачининг бундай йўл тутиши хусусий фирманинг молиявий аҳволини ночор аҳволга солиб қўйди. Энг ёмони, ишловчиларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш имконияти кескин камайди. Ҳатто ойлик маошдан қарздорлик юзага келди. Натижада қурувчиларнинг қўли ишга бормай қолди.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатлари қонун билан ҳимоя қилинади. «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 18-моддасида ишбилармонлар ҳуқуқ ва эркинликлари суд орқали ҳимояланиши, давлат идоралари, жамоат бирлашмалари мансабдор шахсларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан тегишли органларга шикоят қилишлари белгилаб қўйилган. Хусусий фирма ҳам бу ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда ширкат хўжалигидан асосий қарз ва пеняни ундириш тўғрисидаги даъво аризаси билан вилоят хўжалик судига мурожаат этди. Ариза кўриб чиқилди, аммо суд мажлисида жавобгар томонидан ҳеч ким иштирок этмади. Ҳолбуки, суд ажрими орқали шартнома низоси бўйича иш кўрилаётганлиги тўғрисида ширкат хўжалиги ўз вақтида хабардор қилинганди.

Шартнома мажбуриятларига риоя этиш иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг ҳозирги босқичида энг долзарб масаладир. Минг афсуски, ана шундай ўта масъулиятли босқичда шартнома мажбуриятларини назар-писанд қилмаётган, қонун устувор бўлган демократлаштириш жараёнининг мазмун-моҳиятини ҳанузгача англаб етмаётган раҳбар ходимларнинг борлиги ғоятда ачинарли ҳол. Суд мажлиси давомида мазкур иш бўйича тўпланган ҳужжатлар ва даъво аризасида келтирилган важлар ўз исботини топди. Суд даъвогарнинг манфаатларини ҳимоя қилиб, адолатли қарор чиқарди. Шундай экан, раис бува, қарзингизни тўлаб қўйинг.

С.РЎЗИМАТОВ, «Ишонч» мухбири

«Ишонч» ҳуқуқий маслаҳатхонаси

САВОЛ: Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти олиш ҳуқуқига эга бўлганлар рўйхати, пенсия тизимида иштирок этиш тартиби, тўланадиган бадаллар миқдори ва ушлаш тартиби ҳақида маълумот берсангиз?

А.МУСТАФОҚУЛОВ,
Зарбдор тумани, ТХТБ ҳисобчиси

ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ

Саволингизга "BEHZOD-KAFOLAT" адвокатлик фирмаси директори, адвокат Муҳаммад Абдуллаев жавоб беради

ЖАВОБ: Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти билан боғлиқ масалалар "Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ва ушбу қонуннинг ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 декабрдаги 595-сонли қарори ва унинг иловалари билан тасдиқланган ҳужжатлар асосида тартибга солинади.

2005 йил 1 январдан бошлаб жорий этилган мазкур тизим амалдаги давлат пенсия таъминоти тизимига қўшимча равишда, пенсия ёшига етган фуқароларнинг моддий аҳволини яхшилаш, шу асосда пенсионерларга амалдаги пенсия тўловларига қўшимча равишда даромад олиш манбаларини яратиш, кексалик чоғида фуқаронинг ўз фаровонлиги учун шахсий жавобгарлигини ошириш мақсадида жорий қилинган.

Ушбу қонуннинг 4-моддасида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар жамғариб бориладиган пенсия таъминоти олиш ҳуқуқига эгалиги, 6-моддасида эса иш берувчиларнинг, шунингдек меҳнат фаолиятини меҳнат шартномаси асосида амалга оширувчи фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этиши, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, мажбурийлиги белгиланган.

Шу билан бирга, ушбу моддaнинг иккинчи қисмида якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги деҳқон хўжаликларининг аъзолари, шунингдек бошқа фуқаролар жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрийлик асосида иштирок этишлари қайд этилган.

Вазирлар Маҳкамасининг юқорида қайд этилган қарорининг 2-бандида 2005 йилда фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамларига мажбурий ҳар ойлик бадаллар жисмоний шахсларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғи суммасидан тегишли равишда чиқариб ташланган ҳолда ходимнинг ҳисобланган иш ҳақи (даромади)нинг бир фоизи миқдорида амалга оширилишлиги, ходимларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ҳар ойлик бадаллар тўлаш 2005 йилнинг январь ойи учун ҳисобланган иш ҳақи (даромад)дан бошланишлиги, жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрийлик асосида қатнашадиган фуқаролар томонидан шахсий пенсия ҳисобварақларига бадаллар миқдори ва тўлаш муддатлари мустақил равишда амалга оширилиши белгиланган.

Қонуннинг 10-моддасига мувофиқ жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларининг миқдори ходимларнинг, шу жумладан ишлаётган пенсионерларнинг иш ҳақи ва бошқа даромади суммаси асосида ҳисоблаб чиқарилади ҳамда ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан навбатдаги йилга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини шакллантириш вақтида белгиланади.

Иш берувчига ўзининг маблағлари ҳисобидан ўз ходимларининг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига қўшимча бадаллар тўлаш ҳуқуқи берилади. Қўшимча бадалларнинг миқдори ва уларни киритиш муддатлари жамоа шартномасида, агар бундай шартнома тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан ходимларнинг вакиллик органи билан келишиб белгиланади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларининг тўланиши натижасида ишлаётган фуқаролар учун иш ҳақидан ҳеч қанақа йўқотиш бўлмайди. Иш фаолияти кўрсатаётган фуқаронинг шахсий ҳисобварағига ўтказиб берилаётган ҳар ойлик пенсия мажбурий бадаллари ушбу фуқаронинг даромадига қонунда белгиланган тартибда ҳисобланган жисмоний шахсларнинг даромад солиғидан чегириб қолинади.

Мисол учун, корхонада меҳнат шартномаси асосида иш фаолияти кўрсатаётган ходимга жорий йилнинг июн ойи учун 70 000 сўм иш ҳақи ҳисобланса, бу ҳолда жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари миқдори 700 сўмни ташкил этади ва ушбу миқдор ходимнинг даромадидан ҳисобланган солиқ суммасидан чегирилиб, ходимнинг шахсий жамғариб бориладиган ҳисобварағига ўтказилади. Натижада ишловчи фуқаронинг нақд пулда олаётган ойлик маоши миқдори ҳеч камаймайди.

Бундан ташқари қонуннинг 14-моддасида жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларидан, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларга ҳисоблаб чиқарилган фоизлардан ҳамда бундай маблағлар фойдаланилишидан фуқаролар ва Халқ банки оладиган бошқа даромадлардан, жамғариб бориладиган пенсия тўловларидан, шунингдек жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағлари айланмасидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар олинмаслиги белгиланган.

Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобларида тўпланган пул маблағлари фақат ана шу ҳисоб эгалари бўлган фуқароларга тегишлидир. Уларнинг ўзлари, зарур ҳолларда улар ишонч билдирган бошқа шахслар ёки меросхўрлардан бошқа ҳеч ким бу пул маблағларини олиш ҳуқуқига эга эмас.

Фуқаролар шахсий жамғарма пенсия маблағларини давлат пенсияси олиш ҳуқуқига эга бўлган пайтдан бошлаб бир вақтда ёки ойма-ой тенг улушларда олишлари мумкин, унинг шакли фуқаро томонидан мустақил равишда белгиланади.

Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ, фуқаро вафот этган тақдирда, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меросга ўтади ва меросхўрга бир йўла тўла ҳажмда тўланади.

Шунингдек, фуқаро Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига доимий яшаш жойига чиқиб кетаётган бўлса, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар бир йўла тўла ҳажмда тўланади.

Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги пул маблағларининг сақланиши ва тўланиши қонуннинг 5-моддасига асосан давлат томонидан кафолатланади. Шунингдек, фуқароларнинг хавотирланмаслиги учун қонуннинг 10-моддасига мувофиқ Халқ банки шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларга пул қадрсизланишига нисбатан юқори суръатлардаги ставкалар бўйича фоизларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоблаб қўшади. Фоиз ставкаси Халқ банки томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишиб, жамғариб бориладиган пенсия тизимининг маблағларини жойлаштиришдан олинган даромадлар ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

Жамғариб бориладиган пенсия мажбурий бадалларининг юридик шахслар томонидан тўғри, тўлиқ ҳисобланиши ва ўз вақтида ўтказиб боришлари устидан назоратни амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 июндаги "Жамғариб бориладиган пенсия тизимини такомиллаштириш ва техник таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-110-сонли қарорига асосан Давлат солиқ қўмитасига юклатилган.

Шу боис, ходимларга улар фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектларда жамғариб бориладиган пенсия таъминоти билан боғлиқ масалалар юзасидан қонунбузилиш ҳолатлари содир этилганлиги маълум бўлса, тегишли солиқ органларига чора кўриш мақсадида мурожаат қилишлари мумкин. Солиқ органлари ўз навбатида амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жамғариб бориладиган пенсия мажбурий бадалларининг ўз вақтида ва тўлиқ киритилишини таъминламаган шахсларга нисбатан солиқ қонунчилигида белгиланган таъсир чораларини қўллайди.

Жиззах вилояти ИИББ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари транспорт воситаларини бошқаришдаги қоидабузарликларнинг олдини олишга алоҳида эътибор бериб келишмоқда. Пиёдалар ва ҳайдовчилар ўртасида олиб борилаётган тушунтириш ишлари ўз самарасини бермоқда.

Суратда: Жиззах вилоят йўл ҳаракати бўлинмаси 3-сафарбарлик гуруҳи йўл патрул хизмати нозири катта сержант Шавкат Комилжонов ва гуруҳ катта нозири майор Тоҳир Расуловлар.

Б.НОРҚУЛОВ олган сурат

Спорт оламида

Сув спорти

РОЛАНД ШУМАН ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Африкалик спортчи Роланд Шуман Монреалда ўтаётган жаҳон чемпионатида 50 метрга баттерфляй усулида сузиш мусобақасида маррани биринчи бўлиб босиб ўтди ва жаҳон рекордини янгилади. У бу масофани 22.96 дақиқада сузиб ўтди. Ян Крокер иккинчи, украиналик Сергей Бреус учинчи ўринни эгаллади.

100 метрлик масофага брасс усулида сузишда Брендан Хансен, Косуке Китаджима ва Угу Дюбоск шоҳсупага кўтарилди.

Баттерфляй усулида 100 метрга сузишда аёллар ўртасида Жесика Шиппер ғолиб чиқди. Иккинчи ўринни эса Лисбет Лентон қўлга киритди. Учинчи ўрин Отилиа Едержечакка насиб этди.

200 метрлик масофага комплекс сузишда Кэти Хофф ғалаба қозонди. Кристи Ковентри иккинчи, Лара Кэролл эса учинчи ўринни забт этди.

Футбол

«РЕАЛ» ОСИЁ САФАРИНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА

Мадриднинг "Реал" жамоаси мавсумолди Осиё сафаридаги иккинчи учрашувини Япония миллий чемпионатида сўнгги ўринлардан бирини эгаллаб турган "Токио Верди" жамоаси билан ўтказиб, кутилмаганда 0:3 ҳисобида ютқазиб қўйди. Вандерлей Лушембурго шогирдлари рақиб дарвозасига хавф сололмадилар.

"Реал" навбатдаги учрашувни Япония чемпиони билан баҳс юритди. Учрашувнинг дастлабки дақиқасидан испанияликлар майдонда устунликка эга бўлди. Натижада Раул майдон эгалари дарвозасини ишғол этиб, ҳисобни очишга эришди. Мадридликларнинг ҳужумларидан яна бирини рақиб ҳимоячилари қўполлик билан қайтариб қолди. Учрашув бош ҳаками 11 метрлик жарима тўпи белгилади. Роналдо 11 метрлик жаримани қойилмақом бажариб, ҳисобни 2:0 га оширди. Учрашувнинг сўнгги дақиқаларида "Реал" ҳужумга яна зўр берди. Майдон ўртасида Луиш Фигу рақибидан тўпни олиб қўйиб, жарима майдонига — Роналдога қулай бўлган жойга ошириб берди. Роналдо дарвозабоннинг оёқлари орасидан тўпни дарвозага киритишга эришди.

ЛУИШ ФИГУ: "ШАРТНОМАДАГИ БАРЧА ШАРТЛАРНИ БАЖАРИШ НИЯТИДАМАН"

Мадриднинг "Реал" клуби аъзоси, Португалия терма жамоаси ярим ҳимоячиси Луиш Фигу оммавий ахборот воситалари билан бўлган суҳбатда 2006 йилнинг ёзигача "Реал" таркибида қолиш нияти борлигини билдирган:

- Мен биламанки, бош мураббий Вандерлей Лушембурго кўз ўнгида мен ярим ҳимояда пешқадам бўлмаслигим мумкин, балки иккинчи номзод ҳам эмасдирман. Жамоанинг асосий таркибида майдонга тушмасам ҳам, шартномада кўрсатилган муддатгача, яъни 2006 йилнинг ёзигача клуб билан тузган шартномамнинг барча шартларини бажариш ниятидаман.

"ЧЕЛСИ" "МИЛАН"НИ ЕНГДИ

"Милан"нинг АҚШга мавсумолди сафарида "Челси" билан икки учрашув режалаштирилган эди. Бостон шаҳрида ўтказилган биринчи учрашувда Англиянинг "Челси" жамоаси "Милан" билан учрашувни кўтаринки руҳда ўтказди. "Челси" бош мураббийи Жозе Моуриньо таркибдаги барча футболчиларни майдонга туширди. "Милан" эса жамоанинг етакчи ўйинчилари бўлган Андрей Шевченко, Кака, Паоло Мальдиниларни майдонга туширмади. Учрашувнинг 12-дақиқасида "Челси"нинг голландиялик футболчиси Арьен Роббен узоқ масофадан "Милан" дарвозасини ишғол қилиб ҳисобни очди ва ўз жамоаси ғалабасини таъминлади. Бу икки жамоанинг навбатдаги ўртоқлик учрашуви 31 июлда Нью Жерси шаҳрида ўтказилади.

Теннис

ШТУТГАРТДАГИ ТУРНИР ҒОЛИБИ

Германиянинг Штутгарт шаҳрида АТР турнири финали бўлиб ўтди. Испаниялик 19 ёшли теннисчи Рафаэль надал аргентиналик теннисчи Гатон Гаудио билан фиНалда баҳс юритиб, ғолиб чиқди. Биринчи ва иккинчи сетда 6:3 ҳисоби қайд этилган бўлса, учинчисида ҳам унинг қўли баланд келди.

Рафаэль Надал турнирнинг 614 минг 750 евро мукофот жамғармасини қўлга киритди.

Баскетбол

БОШЛАНИШИ ЧАККИМАС



Кеча Хитой пойтахти Пекинда «Борислав Станкович Кубоги» халқаро турнири старт олди. Бу нуфузли мусобақада қитъа чемпионлари Литва, Ангола, Хитой, Аргентина, Австралия ҳамда АҚШ турнирда қатнашишдан бош тортганлиги учун Шимолий Америка шарафини Пуэрто Рико баскетболчилари ҳимоя қилади.

Мусобақани Хитой Баскетбол Федерацияси билан ФИБА ҳамкорликда ташкил этди. Мусобақа ғолиби 100 минг, иккинчи ўринни эгаллаган терма жамоа 50 минг, учинчи ўринни эгаллаган терма жамоа 25 минг доллар билан тақдирланади.

Т. ЮСУПОВ тайёрлади

ПРОСПЕКТ ЭМИССИИ
Акционерной компании «DORI-DARMON»

Зарегистрирован Центром по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг при Госкомимуществе Республики Узбекистан № РО 778 от «21» июля 2005 года.

ОСНОВНЫЕ СВЕДЕНИЯ ОБ ЭМИТЕНТЕ

1.Полное и сокращенное наименование эмитента: **Акционерная компания «DORI-DARMON», АК «DORI-DARMON».**

Отрасл: **Аптечные учреждения**

Вышестоящая организация: **отсутствует**

Фамилия, имя, отчество руководителя эмитента: **Салихбаева Умида Саидовна.**

Фамилия, имя, отчество главного бухгалтера: **Насретдинов Саидвали Саиднабиевич.**

2.Организационно-правовая форма эмитента: **Открытое акционерное общество.**

3.Местонахождение и банковские реквизиты: **Республика Узбекистан, 700021, г. Ташкент, пл.Ахунбабаева, дом 21.**

Полный почтовый адрес: **Республика Узбекистан, 70021, г.Ташкент, пл.Ахунбабаева, дом 21.**

Название обслуживающего банка и его местонахождение:

Расчётный счёт №20208000600109326001 в Мирзо-Улугбекском отделении НБ ВЭД Республики Узбекистан, код банка 00895

Наименование налогового органа и ИНН: Налоговая инспекция Шайхонтахурского района г.Ташкента, ИНН 201389395

4.Наименование регистрирующего органа, дата и номер государственной регистрации акционерного общества: **Министерство юстиции Республики Узбекистан №27 от 27 июня 2005 г.**

5.Основные виды деятельности: **Обеспечение лекарственным средствами и изделиями медицинского назначения.**

6.Список всех акционеров эмитента, которые имеют долю в размере 5 и более процентов уставного фонда:

Полное наименование участников-юридических лиц или Ф.И.О. участников-физических лиц	Место нахождение участников-юридических лиц или паспортные данные участников-физических лиц	Доля участника в уставном фонде Кол-во штуках	Доля в %
Госкомимухество РУ	г.Ташкент, пр.Узбекистанский, д.53	8652500	43,1

7.Список всех членов исполнительного органа управления эмитента:

Ф.И.О.члена исполнительного органа	Занимаемые должностив настоящее время и за последние года	Доля в уставном фонде эмитента Кол-во в штуках	Доля в %
Салихбаева Умида Саидовна	С 1999 г. – по настоящее время – Председатель Правления АК «DORI-DARMON»	–	–
Файзиев Максуд Салихович	С 1999 г. – по настоящее время – Заместитель Председателя Правления АК «DORI-DARMON»	–	–
Разаков Ильес Жабарович	С 2000 г. по настоящее время – Заместитель Председателя Правления АК «DORI-DARMON»	–	–
Ходжиметов Окил Нутманович	С 2000 г. по настоящее время – Заместитель Председателя Правления АК «Дори-Дармон»	–	–
Насретдинов Саидвали Саиднабиевич	С 2000 г. по настоящее время – Главный бухгалтер АК «Дори-Дармон»	–	–
Никулина Татьяна Юрьевна	С 1986 г. по настоящее время – Начальник Отдела кадров АК «Дори-Дармон»	–	–
Рузиева Умида Бобоколоновна	С 2000 г. по настоящее время – Начальник Отдела Внешнеэкономических связей АК «Дори-Дармон»	–	–

8.Список всех членов наблюдательного совета эмитента:

Ф.И.О. члена наблюдательного совета	Занимаемые должности в настоящее время и за последние 3 года	Доля в уставном фонде эмитента Кол-во в штуках	Доля в %
Ташмуратов Шухрат Маманкулович	С 2005 г. – Председатель Правления Национального банка ВЭД РУ; С 2003 г.по 2004 г. – заместитель Председателя Центрального банка Республики Узбекистан	–	–
Мустафаев Зафар Бурибаевич	С 2002 г. по настоящее время – Председатель Правления ОАО «Узбеклизинг Интернейшнел»	–	–
Закиров Захид Фарходович	С 2002 г.по настоящее время – Генеральный Директор Республиканской Бизнес школы при ГКИ РУ	–	–
Убайдуллаев Саъдулло Абдуллаевич	С 2001 г. по настоящее время – Генеральный Представитель «Дельфиелд маркетинг Лтд». по странамСНГ	–	–
Вахидов Юнус Сулейманович	С 2002 г. по настоящее время – Учредитель Центра сертификации медицинской продукции «Соф-Дори»;	–	–
Шоабдурахманов Шовкат Шанноятович	С 1999 г. по настоящее время – Генеральный Директор Управляющей компании «General Pol»;	–	–
Алимов Одил Камилжанович	С 1998 г.по настоящее время – Генеральный Директор СП «Бузгон»;	–	–
Мирзохожаев Дильшод Джураевич	С 2002 г. по настоящее время – Генеральный Директор СП «Гуфик-Авицена».	–	–

УСЛОВИЯ ПРЕДСТОЯЩЕГО ВЫПУСКА АКЦИЙ В ОБРАЩЕНИЕ

9.Условия предстоящего выпуска акций в обращение:

а) вид и форма акций выпуска: **простые именные, безналичные.**

б)количество акций выпуска: **20 072 000 штук.**

в)номинальная стоимость акции выпуска, сум: **100 (сто) сум.**

г)общий объем выпуска **(по номинальной стоимости), сум 2 007 200 000 (два миллиарда семь миллионов двести тысяч)сум.**

д) права, предоставляемые каждой акцией выпуска: **Акция предоставляет акционеру нижеследующие права:**

– право на участие в управлении обществом;

– право на получение дивидендов;

– право на получение части имущества в случае ликвидации;

–право на введение в реестр акционеров;

– право на получение информации о хозяйственно-финансовой деятельности общества;

–право на защиту своих интересов в уполномоченных органах;

– другие права в соответствии с законодательством Республики Узбекистан.

е)способразмещение акций: **согласно Приказа Госкомимущества Республики Узбекистан от 2июня 2005 года №58 к-ПО:**

государственная доля – 36,1 % на сумму 724573,0 тыс.сум или 7 245 730 штук акций;

свободная продажа, в том числе:

активы государства – 7,01% на сумму 140 677,0тыс.сум или 1 406 770 штук акций;

активы эмитента – 37, 95% на сумму 761 760,0 тыс.сум или 7 617 600 штук акций;

доля юридических и физических лиц (акционеры присоединяемых 6 акционерных обществ и унитарного предприятия «Дори-дармон Гарант») – 18,94 % на сумму 380 190,0 тыс.сум или 3 801 900 штук акций;

ж)срок и порядок размещения акций: **В течение года с даты государственной регистрации выпуска в Центре по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг.**

з)предполагаемая цена размещения акций: **госактивы определяетса Госкомимуществом Республики Узбекистан, активы эмитента не ниже 100 сум.**

и)условия и порядок оплаты акций, в том числе форма расчетов, банковские счета, на которые должны перечисляться средства в оплату акций: **по госактивам определяется Госкомимуществом Республики Узбекистан, по активам эмитента – расчетный счет №20210000400232459001 в Мирзо-Улугбекском отделении НБ ВЭД Республики Узбекистан, код банка 00987.**

к)орган эмитента, принявший решение о выпуске акций и дата принятия: **совместное Общее собрание акционеров от 20 июня 2005 г.**

л)любые ограничения на эмиссию акций, установленные в уставе эмитента, ограничения в отношении возможных приобретателей размещаемых акций: **18,94% на сумму 380 190,0 тыс.сум или 3 801 900 штук акций размещаются среди юридических и физических лиц (акционеры присоединяемых 6 акционерных обществ и унитарного предприятия «Дори-дармон Гарант»). Данные акции будут размещены среди ранее известных акционеров путем конвертации акций реорганизованных ОАО «Каракалпак Дори-Дармон», ОАО «Бухоро Дори-Дармон», ОАО «Жиззах Дори-Дармон», ОАО «Сурхон Дори-Дармон», ОАО «Сирдарё Дори-Дармон» и ОАО «Хорезм Дори-Дармон» в соответствии с приказом Госкомимущества Республики Узбекистан от 2 июня 2005 г. №58 к-ПО,**

м)налогообложение получаемого инвестром доходапо приобретенным акциям: **в соответствии с действующим законодательством Республики Узбекистан.**

10.В случае оплаты акций не денежными средствами указать перечень имущества, которыми могут оплачиваться акции. Оплата акций имуществом не предусмотрена.

Доля акций выпуска, при не размещении которой выпуск считается несостоявшимся (такая доля не может быть определена в размере меньше, чем 60 процентов от общего количества акций выпуска):

Данный выпуск считается размещённым.

Порядок возврата средств, полученных эмитентом в качестве оплаты за акций, на случай признания выпуска акций несостоявшимся. **Возврат средств не предусмотрен.**

11.Порядок хранения и учета прав на акций, в том числе, полное фирменное наименование, включая организационно-правовую форму, место нахождения, почтовый адрес, телефон реестродержателя, осуществляющего ведение реестра владельцев именных акций эмитента, и в случае выпуска безналичных акций также и депозитария, осуществляющего учет прав на них, а также данные о лицензии (номер, дата выдачи, орган, выдавший лицензию, срок действия)на осуществление соответствующей деятельности. **Хранение и учет прав по акциям Акционерной компании «DORI-DARMON» осуществляется на основании Закона Республики Узбекистан «О депозитарной деятельности на рынке ценных бумаг», а также «Единых стандартов депозитарной деятельности». Ведение и хранение реестра акционеров, а также учет прав по акциям осуществляется депозитарно-реестродержательской компанией ЗАО «DILARES», на основании лицензий на депозитарную деятельност – №962 от 18 июня 2003 г. и ресстродержательскую деятельност – №722 от 18 июня 2003 г. Центра по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг, расположенной по адресу: 700060, г.Ташкент, ул.Бухоро, 10. Тел: 132-03-54.**

12.Приводятся основные данные, касающиеся учета и перехода прав собственности на акции. **Учет и переходправ собственности на акции (покупка, дарение, наследство и др.) обеспечивается путём внесения соответствующего изменения имени или наименования нового владельца акций в реестре акционеров. В реестре акционеров общества указываются сведения о каждом зарегистрированном лице (акционере или номинальном держателе акций), количестве и видах акций, записанных на имя каждого зарегистрированного лица, иные сведения, предусмотренные законодательством. Переход прав собственности на акции производится на основании сделок оформленных в соответствии с нормами законодательства.**

13.Данные об организациях, принимающих участие в размещении акций (андеррайтерах).

полные фирменные наименования, включая организационно-правовые формы, места нахождения и почтовые адреса организаций, принимающих участие в размещении акций, их функции, методы размещения и существенные условия договора (договоров) между эмитентом и этими организациями, условия вознаграждения, а также номера, даты выдачи, сроки действия лицензий на осуществление профессиональной деятельности на рынке ценных бумаг и орган, их выдавший. **Андеррайтеры не привлекаются.**

14.Информация о порядке и место ознакомления с копиями и оригинальным экземпляром проспекта эмиссии акций.

Адреса и реквизиты информационно-справочных систем, периодические печатные издания, где будет размещен полный текст зарегистрированного проспекта эмиссии акций.

С копиями и оригинальным экземпляром проспекта можно ознокомиться у эмитента по адресу: Республика Узбекистан, 700021, г.Ташкент, пл.Ахунбабаева, д. 21.

Проспект эмиссии будет опубликован в установленные сроки в средствах массовой информации Республиканского значения.

15.Основные места (место) продажи акций:

основные места (место) продажи размещаемых акций в случае их размещения путем подписки, места (место) выдачи сертификатов наличных акций в случае размещения наличных акций.

По госактивам определяется Госкомимуществом Республики Узбекистан. Активы эмитента – по адресу: Республика Узбекистан, 700021, г.Ташкент, пл.Ахунбабаева, дом 21.

16.Использование средств от размещения акций:

Эмитент планирует реализовать свои активы на сумму 761 760,0 тыс. сум, что составляет на текущий момент 684 тыс.долл. США. Поступившие от реализации акций средства будут направлены на пополнение средств, а именно для погашения кредиторской задолженности по нижеперечисленным импортным контрактам:

«Ф.Хоффманн-Ля рош ЛТД» №0501 от 05.01.2004г. – 2 667,13$

«Ф.Хоффманн-Ля рош ЛТД» №0504 от 05.04.2004 г. – 26 427,25 $

«Ф.Хоффманн-Ля рош ЛТД» №0505 от 05.05.2004 г. – 44 185,93$

«Ф.Хоффманн-Ля рош ЛТД» №0508 от 05.08.2004 г. - 171 238,79$

«ГлаксоСмитКляйн Экспорт ЛТД» №2407 от 24.07.04.г. – 1 046,50$

«ГлаксоСмитКляйн Экспорт ЛТД» №GSK/D от 18.03.04г. – 13 759,71$

«Плива-Хрватска» №1 от 25.03.2004 г. – 81 205,92$

«Лек Фармасьютиклс» №2011 от20.11.2004 г. – 93 030,83$

«Штада Фарма» №02/04 от 05.08.2004 г. – 31 341,42$

«Гедеон Рихтер» №RG-E/9172/UZB от 18.08.2004 г. – 135 057,03$

«Санавита АГ» №2111 от21.11.2004г. – 84 039,29$

Итого: 684 000 долл. США.

Контракты заключены на приобретение лекарственных препаратов, необходимых для обеспечения населения Узбекистана.

Направление поступивших средств в оборотной капитал позволит получить дополнительную прибыл и усилит бизнес Акционерной компании.

17.Детальный анализ факторов риска по группам:

Факторы риска	Детальное описание
Экономические (подверженность сферы деятельности эмитента инфляции, влияние ставки рефинансирования на формирование оборотных средств предприятия и т.д.)	Сфера деятельности эмитента подвержена в первую очередь через цены на лекарства
Конкуренции (наличие в отрасли предприятий, выпускающих аналогичную продукцию по более низким ценам и т.д.)	Конкурентами Общества являются предприятия, оказывающие аналогичные услуги
Социальные (отсутствие в данном регионе необходимых специалистов, влияние возможного сокращения численности работающих на обстановку в регионе, влияния на бюджет предприятия содержания объектов социально-культурного назначения ит.д.)	Персонал компании стабильный, проблема с кадрами отсутствует.
Технические (износ части оборудования и т.п.)	Производится плановая модернизация производственных мощностей
Экологические (возможное закрытие предприятия из-за нарушения экологических нормативов и т.д.)	Вероятность выброса загрязняющих и вредных веществ незначительна.

Меҳру оқибат!

Барча касб эгаларининг ўз русумлари бўлади. Ўқитувчи ўз ўқувчиларининг билим олиши учун жон куйдиради. Қурувчи ўзи бажарган иш учунгина жавоб беради. Шу жиҳатдан соғлиқни сақлаш ходимларининг вазифалари анчайин кенгроқ. Улар ўзларига мурожаат қилган ҳар бир кишининг дардига шифо қилмоғи даркор.

ҲАММАСИ САЛОМАТЛИКДА ТАТИЙДИ

Навбаҳор туман марказий шифохонаси даволаш-профилактика мутахассислари ҳам буни яхши билишади. Беморларга намунали хизмат кўрсатиш учун кеча-ю кундуз елиб югуришади. Энг муҳими, улар ўз касбларидан фахрланишади.

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда шифохонамиз моддий-техника базасини яхшилашга жиддий эътибор қаратилди. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури бўйича соғлом турмуш тарзини барпо этиш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматни янада юксалтириш мақсадида муайян ишлар қилинди. Жумладан, Суперкент ва Карвон қишлоқларида 2 та янги ҚВП ишга туширилди. Шунингдек, 3 та қишлоқ врачлик амбулаториясида қайта таъмирлаш ишлари олиб борилди. Марказий шифохона таркибида эса шошилинч тиббий ёрдам, жарроҳлик, туғруқ, юқумли касалликлар, тез ёрдам, функционал диагностика каби бўлимлар бўлиб, жами 101 нафар врач, 617 нафар ўрта махсус маълумотли тиббий ходим самарали меҳнат қиляпти.

Шу ўринда ҳамширалар парвариши бўлимига алоҳида эътибор қаратиш жоиз. Бу бўлим пуллик хизматдан иборат бўлиб, замонанинг зайлию, шароит тақозосига кўра ташкил этилди. Унга кўпчиликнинг меҳрини қозонган ҳамшира Муслима Соатқулова бошчилик қилади. Бу ерда асосан узоқ муддат тўшакка михланиб қолган беморларга ҳамширалар хизмати ва меҳр-оқибати кўрсатилмоқда.

Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, бугуннинг долзарб масалаларидан бири. Бу борада туман ҳокимлиги, фуқаролар йиғинлари ва бошқа шу ишга даҳлдор идоралар билан ҳамкорликда зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, улар режа асосида амалга оширилмоқда.

Даволаш-профилактика муассасалари саломатлик лойиҳаси бўйича керакли тиббий асбоб-ускуналар ҳамда тиббий қўлланмалар билан таъминланди. Марказий шифохонанинг қон қуйиш бўлимига центрафуга аппарати олиб берилди. Жонлантириш ва функционал диагностика бўлимлари ҳам бу муруввватдан бебахра қолишгани йўқ.

Ўтган йил аҳолининг асосий эътиборга муҳтож қатлами ажратилиб, атрофлича тиббий кўрикдан ўтказилди. Текширув натижасида аниқланган хасталиклар эса ўз вақтида соғломлаштирилди.

Беморни даволаш, унинг вужудига саломатлик бағишлаш, кўнглига чироқ ёқишдек эзгуликни шиор этган фидойи, заҳматкаш шифокорларнинг ишлаш ва яшаш тарзи ҳақида ҳам ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Улар ижтимоий ҳимояга олинган. Яхши-ёмон кунларда жамоа ҳамфикр, ҳамнафас. 16 ёшга тўлмаган ногирон боласи бор ходимлар маъмурият ва бошланғич касаба уюшма қўмитаси диққат-эътиборида. Юқумли касалликлар бўлими ходими А.Каримов, тез ёрдам бўлими навбатчи диспетчери Т.Очилов, марказий шифохона фарроши Г.Абдукаримова, шифохона сантехниги И.Ҳайдаровларга меҳр-оқибат кўрсатилди. 20 нафар ходимга 100 минг сўм миқдорида моддий ёрдам берилди. 2 нафар ходим «Умид гулшани», 1 нафари «Ситораи моҳи хоса», 1 нафари «Бўстон», 1 нафари «Ҳумсон» сиҳатгоҳларида саломатлигини тиклаб, ҳордиқ чиқариб қайтди. Шунингдек, тиббиёт ходимларининг 15 нафар фарзанди болалар оромгоҳларида бепул дам олдирилди. 8 нафар ходимга 25 минг сўмдан, жами 400 минг сўм ёрдам пули берилди.

Мавриди келганда айтиб ўтиш ўринли: даволаш-профилактика муассасалари таъмири ва бошқа ишлар ривожи учун туманнинг саховатпеша кишилари ҳомийлик ёрдами кўрсатаяптилар. Жумладан, «Истиқлол» ширкат хўжалиги 2 миллион 200 минг сўм, «Янгиқўрғон» ширкат хўжалиги 1 миллион 100 минг, «Бумеранг» фирмаси 700 минг сўм, туман ҳокимлиги 2 миллион 700 минг сўм ажратди.

Б.ҒОФУРОВ,
олий тоифали шифокор

Таниқли санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Аббос Бакиров ўзидан катта ижодий мерос қолдирган. Унинг саҳнада ва экранда яратган образларини томошабинлар ҳалиҳали яхши эслайди.

АТОҚЛИ АРТИСТ ҲАҚИДА ФИЛЬМ

Ана шу ёрқин истеъдод эгаси ҳақида янги ҳужжатли фильм суратга олинди. Эдуард Хачатуров бошчилигида яратилган мазкур экран асари устоз санъаткорнинг босиб ўтган сермаҳсул ижод йўли ҳақида жонли ҳикоя қилади.

«Ўзкинохроника» студияси маҳсулоти бўлган «Аббос Бакиров» фильми яқин орада экранларга чиқарилади.

ТЎҚАЙЗОРЛАР

табиат муҳофазасига хизмат қилаяпти

Вазирлар Маҳкамасининг «Оролбўйи генафондини муҳофаза қилиш ҳайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорида атроф-табиий муҳит, шу жумладан Оролбўйи наботот ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал этиш, минтақанинг биологик ранг-баранглигини сақлаш ва тиклаш муҳим вазифа қилиб қўйилган.

Қорақалпоқлар ўрмонзорларни тўқайзор, деб аташади. Бепоён кенгликлар, дала-даштларда саҳро табиатига мослашган дарахт ва буталар, ўсимликлар томир отган. Ҳукуматимиз қарорлари, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси томонидан ишлаб чиқилган лойиҳаларга мувофиқ денгизнинг сувдан бўшаган қисмида яшил ҳудудлар барпо этилаяпти.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўрмон тўғрисида»ги Қонунида кўрсатилганидек, ўрмонлар давлат мулки, умумбойлик ҳисобланиб, оқилона фойдаланиш лозим ва улар давлат томонидан қўриқланади. Қорақалпоғистоннинг ўрмон фонди 4 миллион 357 минг 112 гектар бўлиб, унинг 842 минг 41 гектари тўқайзорлар билан қопланган. Шундан кўчат экиб ўстирилгани 404 минг 611 гектарни ташкил этади.

Орол денгизининг сувдан бўшаган ерларидан кўтарилаётган чанг-тўзонларни қайтариш мақсадида иҳотазорлар яратишга жиддий эътибор бериляпти. Денгизнинг оқар суви чекиниб кетган «Оқбеткай» архипелагида очилиб қолган ерлар дарахтзорга айланаяпти. Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг 570 миллион сўмлик кўкаламзорлаштириш лойиҳаси амалга оширилаяпти. Ўн минг гектарлик улкан майдонда бажариладиган бу тадбирни "Қораўзак" ўрмон хўжалиги тендерда ютиб олди. Ҳозирга қадар халқаро жамғарма маблағлари ҳисобига Қораўзак даштларида 417 минг, Қозоқдарё қумликларида 60, Чимбой кенгликларида 165 гектар майдонда саксовул, баялиш, қандим экилди. Оролқум ўрнида дарахтзорлар яшнаяпти. Ўлканинг шимоли-Мўйноқ туманида ниҳол экиш йўли билан 1508 гектарлик маданий ўрмонзор яратилди.

Республика ўрмон хўжалиги бошқармаси саъй-ҳаракати билан жорий йилнинг биринчи чорагида 2151 гектарга ниҳол экилган бўлса, 225 гектарлик ҳудудни чанг-тўзонлардан ҳимоя қилиш учун табиий қамишдан иҳотазор яратилди. Давлат маблағлари ҳисобидан 4 минг гектарга саксовул уруғлари экиб, кўкартирилди. 706 гектар кўчат ўтқазилди. Қисқасини айтганда, 4706 гектарлик чўл яшиллик билан қопланди.

Ўрмончилар фақат иҳотазорлар яратиш билан чекланиб қолишаётгани йўқ. Нукус, Тўрткўл, Элликқалъа, Чимбой, Қораўзак, Тахтакўпир, Мўйноқ, Хўжайли, Беруний каби туманларда 29 гектар уруғдан, 2,82 гектар ерда қаламчадан кўчат ўстирадиган питомниклар ишга туширилиб, ҳозиргача 3 миллион 209 минг дона ниҳол етиштирилди. Кўчат сотишнинг ўзидан 24 миллион 93 минг сўм даромад олинди. Буюртмачиларга 200 минг дона мевали дарахт ниҳоллари етказиб берилди.

Амалга оширилаётган ислоҳотлар самара бераяпти. Жамоаларнинг иқтисодий манфаатдорлиги ортиб, моддий-техника базаси мустаҳкамланаяпти. Йил давомида 4 минг гектар майдонга саксовул, қандим каби саҳро ўсимликлари уруғи, 672 гектарга кўчат экилди. 300 гектар дарахтзорларга ишлов берилиб, 1225 гектарининг орасига қайта ниҳол экилди. 145 гектар қуриган ўрмонзорлар янгиланди. 17 тонна уруғ тайёрланди.

Биргина Нукус ўрмон хўжалиги кўчат тайёрлаб сотишдан 7 миллион 950 минг сўм даромад олди. 2003 йилда ҳамма тармоқлардан 77 миллион 160 минг сўм даромад келган бўлса, бу кўрсаткич 2004 йилда 176 миллион 128 минг сўмга етди. Жорий йилда 200 миллион сўм даромад олиш мўлжалланмоқда. 112 гектар ер беш йил муддатга ижарага берилиб, шунинг ўзидан ҳар йили 500 миллион сўм фойда келаяпти.

Қуриган ўрмонзорлардан қурилиш материаллари ва истеъмол моллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. 5879 кубометр ёғоч тайёрланиб, 1599 кубометри корхоналар ва аҳолига сотилди.

Ютуқлар ўз-ўзидан қўлга киритилаётгани йўқ, албатта. Эришилаётган муваффақиятларда юзлаб қалби қайноқ ишчилар, ҳушёр ва сергак ўрмон назоратчиларининг муносиб ҳиссаси бор. Тажрибали мутахассис Саъдулла Давлатбоев раҳбарлик қилаётган "Қипчоқ" ўрмон хўжалигининг ташкил топганига ўн йилдан ошди. Унинг умумий ҳудуди 19 минг 77 гектар бўлиб, шундан 4547 гектари ўрмон билан қопланган.

«Назархон» тўқайининг умумий майдони 2856 гектарни ташкил қилади. Соғинбой Йўлдошев раҳбар бўлган участка жамоаси яшил ҳудудни асраш ва кўпайтириш йўлида жонкуярлик кўрсатмоқда. Баҳодир Аҳмедов, Шеримбет Исмоилов сингари ўрмончилар ёш тўқайзорларни парваришлаш ва янгиларини барпо этиш фидойиларидир. Берунийдан Қадамбой Қурбонниёзов, Тахтакўпирдан Қувончбой Алиев, Абдужалил Абдукаримов, Нукус махсус ўрмон хўжалигидан Қувончбой Йўлдошев, Йўлдош Алланиёзов, Хўжайлидан Ҳусниддин Шамшетов, Ергали Умрзоқов, Қораўзакдан Орзимбет Еримбетов, Тўрaниёз Оташев, Тўрткўлдан Ўттиз Байриев сингари ўрмончилар меҳнати алоҳида мақтовга лойиқ.

- Ўрмонларнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти беқиёс, - дейди биз билан суҳбатда ўрмонлар ҳолати устидан давлат назорати инспекцияси бошлиғи Комил Исмоилов. - Айрим фуқаролар орасида яшил бойликнинг қадрига етмасдан, табиий муҳитга зарар келтираётганлар ҳам учраб туради. Ўтган даврда ўрмонзорларни ноқонуний кесиш бўйича 28 та ҳолат аниқланиб, қонунбузарлардан 458 минг сўм жарима ундирилди.

Ўрмонлар Оролбўйи табиатини соғломлаштириш, экологик мувозанатни сақлаш, ҳавонинг тоза ва мусаффолигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Бепоён қумликларни яшиллик оламига буркаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар ижобий натижа бермоқда. 6442 гектар майдонни эгаллаган "Бадайтўқай" қўриқхонаси ва йигирмадан ортиқ ўрмонзорлар ҳудуди минг гектардан 12 минг гектаргача майдонни эгаллаган. Табиий ва маданий иҳотазорлар, ўрмонларни асраш, кўпайтириш, кенгайтириш ва табиат муҳофазасини мустаҳкамлаш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини сақлашга қорақалпоқ ўрмончилари муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Оролбўйиларида кўркам ва баҳаво ўрмонзорлар қулф урмоқда.

И.ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

ҚИЗИҚИШ КАТТА

Япон тили иккинчи хорижий тил сифатида республикамиздаги қатор олий ўқув юртлари ўқув дастурларидан ўрин олган. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида эса бундай таълимий жараён бошланганига ўн йил бўлди. Бу орада кунчиқар мамлакат тилини ўқиб-ўрганиш борасида бой педагогик тажриба орттирилди. Видео-аудио ҳамда компьютер техникаси ёрдамида ташкил этилаётган ўқув машғулотлари билимларни пухта ўзлаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Университетнинг «Жаҳон тиллари» кафедраси ҳузурида фаолият кўрсатаётган тиллар маркази методик тавсияларни ишлаб чиқди.

Тилларни ўрганиш бўйича замонавий педагогик технологияларга доир халқаро семинар ва тренинглар ўтказиш ҳам ижобий натижа бермоқда.

РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Мамлакатимизда ахборотлаштириш йўлида кўрилаётган кенг кўламли тадбирлар ўз ижобий натижаларини бермоқда. Бу соҳадаги ислоҳотлар ахборот-коммуникация технологияларини амалиётга татбиқ этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

"Жамиятни ахборотлаштириш муаммолари ва шартлари" деган мавзуда ўтказилган республика анжуманида бу каби жараёнлар таҳлил қилиниб, ғалдаги вазифалар белгилаб олинди.

Унда "Ахборотлаштириш масалаларининг мамлакатдаги аҳволи: ютуқлар, муаммолар, режалар" деган мавзуда қилинган маърузада Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан бу борада амалга оширилаётган ишлар ўз ифодасини топди.

А. АЛИЕВ

Айни пайтда мактабларда янги ўқув йилига кизғин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Албатта, бу янгилик эмас. Лекин мазкур масалага йил сайин кўпрок ва ҳўброк эътибор қаратилаётгани ҳам бор гап. Чунки ўғил-кизларимизнинг пухта билим олишлари учун биринчи навбатда замон талабларига жавоб берадиган зиё масканларига эга бўлишимиз лозим.

ҲОМИЙЛАР ЕНГ ШИМАРИШДИ

Шу боис Вазирлар Маҳкамасининг "2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида амалга оширилаётган кенг кўламли тадбирлар жараёнида қатор ташаббуслар юзага келмоқда. Шу кунларда янги қурилган ва таъмирдан чиқарилган мактабларни мебеллар, ўқув-лаборатория жиҳозлари, спорт инвентарлари билан таъминлаш бўйича туманимизда ҳам талай ишлар амалга оширилмоқда.

Сир эмаски, таълим-тарбия жараёнини замон талаблари даражасига кўтариш учун, аввало, ўқув муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш муҳим омил саналади. Шу сабабли жорий йилда тумандаги умумтаълим мактаблари биноларини капитал ва жорий таъмирлаш ишлари уюшқоқлик билан ташкил этилди. Бу ўта муҳим ишга ота-оналар, ҳомий ташкилотлар бош қўшишди. Натижада ўрта умумтаълим мактаблари, мактабдан ташқари муассасалар чиройли кўриниш олди. Ҳозиргача тумандаги 12-, 27-, 21- мактаблар жорий, 13-, 16-, 28-мактаблар эса капитал таъмирланиб, янги ўқув йилига тахт қилиб қўйилди.

Эътиборли жиҳати шундаки, билим даргоҳлари ҳовлиси ободонлаштирилиб, ажойиб гулзорлар барпо қилинмоқда. Бу борада ҳомийларимизнинг беғараз ёрдамлари катта бўлмоқда. Хусусан, дастур асосида таъмирланаётган мактабларга 30 миллион 868 минг сўмлик, қолган мактабларимизда 38 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилди. Бундан ташқари, "Жейнов" ширкат хўжалиги Г.Хусенов номли мактабга 640 ўринли янги бинони қуриб бермоқда. Шу билан бир қаторда ушбу ширкат хўжалиги томонидан 27-мактабга 3 миллион, 12-мактабга 2 миллион 500 минг сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

Ҳомийлар томонидан Ойбек номли мактабда 2 миллион 700 минг сўмлик, М. Мустафоев номли мактабда эса 3 миллион 500 минг сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилди. Бу эса ўз навбатида Миришкорда ўқув муассасаларининг талаб даражасида бўлишини таъминлабгина қолмай, ўқитувчи-педагогларнинг ўз вазифасига бўлган масъулиятни ҳам оширади.

Ташаббус

Кези келганда таъкидлаш жоизки, умуммиллий дастурни амалга ошириш бўйича белгиланган 5 босқич бўйича ҳам муайян ишлар бажарилмоқда. Чунончи, мактабларнинг моддий-техника базасини бойитиш бўйича ҳомийлар томонидан 4 та мактабга компьютер олиб берилди. Бундан ташқари, ўқувчиларни ўқув дастурлари билан таъминлаш мақсадида жойларда китоб савдоси ташкил этилиб, бу борада ҳам ҳомийлар қараб туришмади. Мавжуд кутубхоналар фондини кенгайтириш чоралари изчил амалга оширилмоқда.

Ёз келса-куздан нишон, дейилади бир қўшиқда. Шундан келиб чиқиб, айни кунларда таълим муассасаларида куз - қиш мавсумига тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. 35 та умумтаълим, 3 та ихтисослаштирилган мактабдан 29 таси газ билан, 7 таси қўмир билан, 1 таси суюқ ёқилғи билан, яна 1 таси электр энергияси билан иситилади. Шу боис, барча ўқув даргоҳларидаги иситиш печкалари ва иситиш тармоқлари қайта кўриб чиқилди. Кўмир билан иситиладиган мактаблар учун 76 тонна кўмир, суюқ ёқилғи билан иситиладиган мактаблар учун 8 тонна суюқ ёқилғи заҳираси яратилди.

Б.БЎРИЕВ,
Миришкор тумани халқ таълими бўлими мудири

М. КАРИМОВ олган сурат

Бу қизиқ

МАТБУОТ ТАРИХИДАН

Руминияда талайгина газета ва журналлар чиқарилади. «Адевэрул» («Ҳақиқат») деган мустақил газета 1989 йилда юзага келган. Кейинчалик, 1990 йилда «Азь» («Бугун») деган кундалик газета чоп этила бошланди. Худди ўша йили «Викторолъ Роминск» («Руминия келажаги»), «Вяца капиталей» («Пойтахт ҳаёти») деган кундалик газеталар босма юзини кўрди.

«Лумья аз» («Бугунги дунё») мустақил ҳафтаномаси ҳам оммалашди. 1991 йилда эса мустақил хусусий агентликка асос солинди. Айни вақтда «Ажерпресс» агентлиги қайта ташкил топди.

ДУНЁДА БИРИНЧИ ПАРВОЗ

Америкалик машҳур ихтирочи Томас Эдисон бир куни Райт деган епископ билан суҳбатлашиб қолди. Епископ Эдисоннинг хизматларига юксак баҳо бергач, суҳбат охирида шундай деди:

– Лекин ҳар қандай улуғ олим ҳам Оллоҳ Таолонинг қудрати билан бўлган ишларни қилишга қодир эмас. Чунончи, худойим фаришта ва қушларга қанот ато қилиб қўйибди, улар бемалол учиб юрадилар, одам эса ҳеч маҳал ҳавога кўтарила олмагай!

– Шундай денг, – жилмайиб жавоб берди Эдисон. – Қараб туринг ўттиз йилдан сўнг нима бўларкин.

Епископ Райтнинг Орвал ва Вильбур деган иккита ўғли бор эди. Улар оталаридан яшириб учувчи аппарат ясадилар ва унда 1903 йили ҳавога кўтарилдилар. Бу – моторли самолётнинг биринчи парвози эди.

Кўнгил - чинни пиёла

ЖАҲОНГИРНИНГ НУРЖАҲОНИ

Дунёда тотиб кўрилмаган севги аталмиш бир томчи бор. У юракнинг биргина бўғинчасига етиб бордими, тамом, одамни борлигу йўқлик томон етаклайди.

Жаҳонгиршоҳ (Шаҳзода Салим 1569-1627) Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган Бобурий шаҳзодалардан учинчиси эди. Кунлардан бир кун шаҳзода Салим бозорда бир гўзал қизга кўзи тушади ва унга ошиқу беқарор бўлиб қолади. Унинг фироғида ўртаниб, ҳузур-ҳаловатини йўқотади. Бўлажак тахт ворисининг эс-ҳушини ўғирлаган бу малак йўққичлик сабаб ўз ватанидан Ҳиндистонга кўчиб келган сарой хизматчисининг қизи Меҳринисо эди. Меҳринисо бу пайтда балоғат ёшига етган, ўзининг тенгсиз ҳусни билан хушторларни асир айлаганди. Ишқ кўйида адо бўлган Салим шу қизга уйланишга қарор қилди. У нияти-ни отаси Акбаршоҳга айтиб, ундан ижозат сўради. Лекин шоҳ қайда-ю, очарчилик сабаб хизматга ёлланган хизматкор қайда. Акбаршоҳ ўғлининг кўнглини совутмоқ учун унинг севгилиси Меҳринисони сарой аёнларидан бири - Шерафканга турмушга чиқишга мажбур қилди. Маъшуқа қўшинлар сардори этиб тайинланган эри билан Бенгалияга кўчиб кетади.

Шу тариқа Салим севикдисидан айрилади. Тақдирга тан бермоқликдан ўзга чора топмаган йигит уйланнинг мукофотли ўйинини қарангки, 1611 йилда Шерафканхон Бенгалия ҳокими Қутбиддин билан жанжаллашиб қолиб, уни пичоқлаб ўлдиради. Фожеа устига келиб қолган соқчилар Шерафканни ҳам тирик қолдиришмайди. Шундан сўнг бева қолган Меҳринисо Аграга - Жаҳонгиршоҳ саройига жўнатилади. Жаҳонгиршоҳ учун Меҳринисо энг буюк армон эди. У умр бўйи орзу қилган севгилисини иккинчи хотин қилиб ўз никоҳига олади.

Меҳринисо ўз гўзаллиги, зийраклиги, фаросатли ва тадбиркорлиги туфайли фақат Жаҳонгиршоҳнигина эмас, балки сарой аҳлини ҳам ўзига ром қилади. Эндиликда уни Меҳринисо эмас, Нурмаҳал (саройнинг нури) деб айтадилар. Кейинчалик эса у жаҳоннинг нури - Нуржаҳон исмини олади.

Муҳаббат тимсолига айланган Нуржаҳон шарафига маблағлари «Нури Жаҳоний» деб аталган 12 граммли олтин танга зарб эттиради.

Н.САЪДУЛЛАЕВА
тайёрлади

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши ва Тошкент шаҳар кенгаши жамоалари «Ўзагромашсервис» уюшмаси раиси Дилшод Солиҳбоевга падари бузруквори

МАҲМУД отанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар Шайхонтаҳур туманидаги 92-мактаб томонидан Убайдуллаева Мавжуда Ҳабибуллаевна номига берилган №922343 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Миргиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.40

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 7765

Буюртма Г— 616

23456